

## **СЎНГАК МОЗОРҚЎРҒОНИДАН АНИҚЛАНГАН S-ШАКЛИДАГИ ҚАНТАРМА ВА СУВЛУҚ ХУСУСИДА**

© 2022. Муродалиев Рахмонали

*ЎзР ФА Миллий археология маркази*

---

**Калит сўзлар:** Сўнгах мозорқўрғони, сувлуқ, қантарма, от айили, культ, Чоч, Чорвоқ, Олтой.

Мақолада Сўнгах мозорқўрғонидан аниқланган қўш қантармали сувлуқ ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, сувлуқ ва қантарманинг пайдо бўлиши ва шаклланиши масалалари ҳам ёритилган. Отнинг устида уни бошқариш ва назоратда сақлашнинг асосий воситаси сифатида илк қўчманчилар давридаёқ оммалашган бу мосламалар металлсозлик тараққий этиши баробарида такомиллашиб келди. Сувлуқ кўпинча жанговор арава ва эгар каби муҳим бўлган. Унинг ёрдамида қуролланган чавандоз жанг пайтида мувозанатни сақлаб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлган. Бу эса от устидаги чавандознинг уловни ўз вақтида назорат қилишини таъминлаган. Турк хоконлиги даврига келиб эса темирдан ясалган от анжомлари темирчиликда моҳир саналган туркларнинг ишлаб чиқаришдаги муҳим тармоғи сифатида ривож топди. Хоконликка стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Чочнинг тоғли худудларида қўчманчи ва қўнар-қўчар чорвадор халқлар қадимдан ёнма-ён яшаган. Бу худудда эрамининг I минг йиллиги ўрталарида урбанизация жараёнининг юксалиши билан бирга қўчманчи халқларнинг тоғли минтақаларда кенг ёйилиши ва маълум қисмининг ўтrockлашув жараёни кузатилган. Тоғли худудлардан бу каби от анжомларининг топилиши эса қўшинининг асосини отликлар ташкил қилган Турк хоконлигининг воҳадаги фаоллиги борасидаги масалаларни ёритишга имкон беради.

---

## **ОБ УДИЛАХ С S-ОБРАЗНЫМИ ПСАЛИЯМИ ИЗ МОГИЛЬНИКА СУНГАК**

© 2022. Муродалиев Рахмонали

*Национальный центр археологии АН РУз*

---

**Ключевые слова:** Могильник Сунгах, удила, псалий, конское снаряжение, культ, Чач, Чарвак, Алтай.


В статье представлена подробная информация об удилах с S-образными псалиями, выявленных в могильнике Сунгах, а также освещены вопросы появления и формирования удил и псалий. Как основные средства управления лошастью, эти приспособления популяризированы в период ранних кочевников, совершенствовались вместе с развитием металлообработки. Удила были так же важны, как боевые колесницы и седла. Всадник, оснащенный ими, с большей вероятностью сохранял равновесие во время боя. Это гарантировало всаднику контролировать коня. Ко времени Тюркского каганата конское снаряжение из железа развивалось как важная отрасль производства тюрков, искусных в кузнечном деле. Кочевые и полукочевые народы жили бок о бок в горных районах Чача, стратегически важных для каганата. В середине I тыс. н. э., наряду с ростом процесса урбанизации, в этой местности наблюдалось широкое расселение кочевых народов в горных районах и процесс заселения определенной части. Выявление подобного конского снаряжения в горных районах Чача позволяет пролить свет на деятельность тюркского каганата, основу армии которого составляла конница.

Евроосиё даштларининг туркий халқлари анъанавий эътиқодларида, дунёнинг кўплаб халқлари каби «от култи» яхши сақланган. Бу «култ» Марказий Осиё кўчманчи чорвадорлари ва уларга қўшни худудлардаги хўжалиги, маданияти ва маиший ҳаёти от билан боғлиқ бўлган аҳолида муҳим ўрин тутган. Қаттиқ асосли эгар ва узангининг ихтироси қадимги кўчманчилар ҳаётидаги ўзига хос техникавий инқилоб бўлиб, уларни маданияти ривожига муҳим бурилиш ясади (Maksud, Muradaliyev, 2020. В. 297–298; Муродалиев, Мирсоатова, 2021. Б. 41–43). Чорвадорлар бориш мушкул бўлган чўлли минтақаларнинг ички қисмларига ҳам кириб бордилар ва у худудларни ов майдони, асосийси, чорва моллари учун яйлов сифатида ўзлаштирдилар. Айнан от туфайли кўчманчиларнинг географик тушунчалари ҳам кенгайиб борди. Бу эса хўжалик ва маданий қадриятлар алмашинувига имконият яратиб, катта худудларга ёйилишига замин яратди. Кўчманчиларнинг ҳаракатчанлиги (мобиллик), уларнинг ўзаро ва ўтроқ жамоалар билан турли алоқалари, ўз навбатида, этник ва лингвистик алоқалар ривожига, шунингдек, этник гуруҳларнинг аралашуви ва парчаланиши жараёни, консолидацияси ва жойлашуви таъсир кўрсатди. Шу тариқа, от – кўчманчи халқлар маънавий маданиятида, миллий удум ва эътиқодларида, фольклор ва тасвирий санъатида муҳим ўрин эгаллади (Потапов, 1977. С. 164).

От – бу жангчининг доно маслаҳатчиси ва сафдоши, фолчиси ва табибидир. У жангчи уруғининг тушов, уруғ тоғи, бош худо ва она ер каби асосий белгилари қаторида туради (Мендешева, 2008. С. 258). Олтойликлар эътиқодига кўра, от эгасига нариги дунёда ҳам ҳамроҳ бўлиши керак. Эгаси билан бирга қабрга кўмиладиган от – «кайлоо ат», деб аталган (Потапов, 1977. С. 177). Таъкидлаш керакки, от кўчманчилар ҳаётида фақатгина улов эмас, уларнинг дўсти ва ёрдамчиси саналади. Бу эса дафн маросимида от айилининг ҳар бир анжومي катта маросим бўлаги маъносини англатади (1-расм).

Шу ўринда, археологик тадқиқотларимизда Сўнгак мазоркўрғонидан аниқланган от анжомлари – узанги, камар тўқалари, сувлуқ ва қантарма (псалий) кабилар алоҳида аҳамиятга эгадир. Узанги ҳақида олиб борилган тадқиқотимиздан (Maksud, Muradaliyev, 2020. В. 287–302) сўнг, сувлуқ ва қантарма топилмалари борасида ҳам алоҳида изланиш олиб бориш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади саналади (2-расм).

Сувлуқ ва қантарма – чавандозлик маданиятини тавсифловчи қабр буюмлари тоифасига кириб, от юганининг асосан металдан ясалган муҳим қисмидир (3-расм). Улар “илк кўчман-



1-расм. Қабр ашёлари асосида от ва от анжомларининг тикланган ҳолати (Қирғизистон, К. Табалдиева кўра).

Рис. 1. Восстановление лошади и конского снаряжения по погребальному инвентарю (Кыргызстан, по К. Табалдиеву).

Figure 1. The restored state of horses and horse equipment based on grave goods (Kyrgyzstan, according to K. Tabaldiev).



2-расм. Сўнгак мазоркўрғонидан аниқланган темир буюмлар: 1, 2 – пичоқ; 3–5 – от югани тўқалари; 6 – узанги; 7 – сувлуқ ва қантарма.

Рис. 2. Железные предметы из могильника Сунгак: 1, 2 – нож; 3–5 – пряжки конской узды; 6 – стремя, 7 – удила и псалий.

Figure 2. Iron objects revealed from the Songak burial-mound: 1, 2 – knife; 3–5 – horseshoe buckles; 6 – stirrup; 7 – bit and bit shanks.

чи'лар давридан буён Евроосиё дашт минтақасидаги улар томонидан қолдирилган аксарият қабрларнинг асосий буюмлари саналади.

Сўнграқ мазорқўрғони топилмаси ёдгорликнинг шимолий қисмида аниқланган бўлиб, ушбу сувлуқ иккита темир таёқчани кичик ҳалқалар орқали бир-бирига улаш орқали ясалган. Шу билан бирга бошқа томонидаги ҳалқалар орқали S-шаклидаги қантармаларга боғланган (4-расм). Қантарманинг махсус илгаклари эса от юганига уланишга мўлжалланган. Сувлуқнинг темир таёқчаларининг ҳар бири 10 см. Қантармалар эса ҳар бири 14 смни ташкил этади. От юганининг бир қисми бўлган бу сувлуқ ва қантармалар Турк хоқонлиги даврида кенг фойдаланилган бўлиб, отлик қўшин фаолиятида қўл келган. Бу ерда қайд қилиш керакки, S-шаклидаги қантармалар безак сифатида ишлатилган кўринади. Сабаби унинг ўрнини эгаллаган ҳалқа қантармалар кейинчалик, уларни бутунлай сиқиб чиқаради ва унумлилиги борасида унинг ўрнини тўлиқ эгаллайди. Қантарманинг тарихий аҳамияти шундаки, отни бошқаришда алоҳида қулайлик беришидадир. Отнинг пастки жағи тагидан ўтказилган чарм тасма кейинроқ ҳалқа қантарманинг шаклланишига, таёқчасимонининг аҳамиятини камайишига сабаб бўлади. Натижада, ривожланган ўрта асрларга келиб отлик қўшинда ундан бутунлай воз кечилишига олиб келади. Қуйида бу тарихий от анжомларининг ўтмишидаги ўрнига тўхталмоқчимиз:

Сувлуқ (сўлик, сувилдирик) – бу юганнинг от оғзига солинадиган металл қисмидир (Ўзбек тилининг изоҳли луғати..., 2008. Б. 578). Дастлаб, бронза даврида пайдо бўлган бу анжом, қантарма орқали юганга уланган. Чавандозга отни жиловлашни таъминлайдиган сувлуқ тарихдаги энг муҳим ихтиролардан бири дейиш мумкин. Айниқса, урушлар пайтида отлардан кенг фойдаланишга имкон берадиган восита сифатида, сувлуқ кўпинча жанговор арава ва эгар каби муҳим бўлган. Унинг ёрдамида қуролланган чавандоз жанг пайтида мувозанатни сақлаб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлган. Бу эса от устидаги чавандознинг уловни ўз вақтида назорат қилишини таъминлаган.

Қантарма – ҳар хил мувофиқлашган қурилма кўринишидаги юганнинг таркибий қисми бўлиб, сувлуқ билан бирга ягона механизмни ифодалайди ва ҳайвонни бошқаришда тизгин орқали буйруқларни узатишдаги воситачи ҳисобланади. Қантарманинг асосий вазифаси сувлуқ ва бош тасмаси, яъни юганни бир-бирига улашдир. А. В. Антипенкога кўра, уларни шаклига кўра уч типга бўлиш мумкин:

1. Ҳалқа шаклидаги – асоси маҳкамлагичлар билан тўлдирилиши мумкин бўлган сувлуқ ҳалқаси билан боғланган бўлади;

2. Ғилдирак шаклидаги – хоч кўринишидаги кегайли ғилдирак шаклидаги бундай қантармалар сувлуққа кўзгалувчан ёки кўзгалмас ҳолда маҳкамланган (турли хил усуллар билан безатилган), маҳкамлаш элементлари ғилдиракнинг ташқи томонида жойлашган;

3. Таёқча шаклидаги – қуйидаги конструктив элементлар тўпламидан иборат: а) асос – юқори ва пастки маҳкамлаш элементлари билан чегараланган; б) маҳкамлаш элементлари – қантарманинг асосида жойлашган ва жиловнинг бошқа қисмлари билан боғланиш учун хизмат қиладиган қисмлари; в) якун – турлича безатилган қантарманинг юқори ва пастки қирралари деярли ҳар доим декоратив функцияни бажаради (Антипенко, 2016. С. 84–85).

Қантарманинг типлари ишлаб чиқариш материали ва маҳкамлагичларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги асосида ажралиб турадиган “вариант”ларга бўлинади. Қантармалар қадимги илк кўчманчилар давридан кенг тарқалган от анжоми бўлиб, дастлаб органик материаллар – ёғоч, суяк ва ҳайвон шохидан, кейинроқ, бронза ва темирдан ясалган. Шаклланишига кўра, дастлаб таёқча кўринишли қантармалардан кенг фойдаланилган. Кейинги даврларда от анжомларининг технологик тараққиёти ҳалқасимон ва ғилдираксимон шаклдагиларини пайдо бўлишига сабаб бўлган.


Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мазкур от анжомлари дашт ҳалқлари орасида пайдо бўлган. Чунки, уларда кўчманчи ёки кўнар-кўчар, ярим ўтроқ чорвачилик муҳим рол

ўйнаган ва отликлар азалдан уларнинг асосий таркибий қисми бўлган. Йирик отлик қўшинга эга бўлган қадимги скифлар, сарматлар, Олтой ва Мўғулистон кўчманчилари, кейинроқ, Турк хоқонлиги Евроосиё худуди бўйлаб босқинчилик юришлари давомида ҳарбий қурол-аслаҳалар билан бирга от анжомлари, хусусан, сувлук ва қантарма ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйганлигини илгари суриш мумкин. “Эргенекун” достонига кўра касби темирчи бўлган туркларнинг сиёсий ва иқтисодий юксалишида темир хом ашёси ва темирдан ишланган ҳарбий анжомларнинг ўрни қатта бўлганлигини кўрсатади.

Қадимги Турк хоқонлиги даврига оид қўш қантармали сувлуклар ушбу давлат сарҳадлари чўзилган деярли барча қисмларида тарқалган. Хусусан, ҳозирги Россия дашт худудлари, Саян-Олтой, Шимолий Кавказ, Узоқ Шарқ қисмлари, Мўғулистон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон худудидан бу даврга оид мазор-қўрғонлардан кўплаб сувлуклар аниқланган.

Туркларнинг тарқалиш нуқтаси бўлмиш Олтой, Жанубий Сибир, Қозоғистоннинг Еттисув, Хитойнинг Туркистони ўлкаси шимолий қисмлари ва Мўғулистон, Қирғизистоннинг Чу водийси – туркий қабилаларнинг ниҳоятда зич яшаган масканлар саналади. Бу худудларда турклар қолдирган маданиятнинг асосий белгилари ҳисобланадиган мазор-қўрғонлар ва улар устига қўйилган туркий боболар (балбал) археологик жихатдан кенгроқ тадқиқ қилинган (Шер, 1966).

Таъкидлаш керакки, сувлук ва қантарманинг қадимги туркларда қўлланилиши бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи С. В. Неверов Об дарёси юқори оқими худудларидан аниқланган I минг йилликнинг 2-ярмига тааллуқли сувлукларнинг классификацияси ва типологиясини ишлаб чиққан бўлиб, турклар даврида бу борада ўзига хос хилма-хилликни қайд этган (Неверов, 1992). А. А. Гаврилова томонидан ҳам бу масалада археологик тадқиқотлар ўтказилиб, Қудиргэ ёдгорлиги хронологиясида сувлук ва қантармаларга алоҳида эътибор қаратилган (Гаврилова, 1965. Рис. 16). Қирғизистон худудидаги турклар даврига оид мазорқўрғонларни тадқиқ қилган К. Табалдиев сувлукларни бир ва икки халқали типларга ажратади (Табалдиев, 1996. С. 37–38). Мўғулистон худудида аниқланган кўктурклар даврига оид сувлук ва қантармаларни таҳлил қилган Н. Н. Серегин уларни 7 та типга ажратади. Бу ажратилган типлардан 3- ва 5-типлар S-кўринишидаги қўш қантармали сувлуклар бўлиб, бир ва икки халқалилиги билан фарқ қилади (Серегин, 2018. С. 174–181). Бизнингда фикиримизча, ҳам қадимги турклар ҳокимиятга келишининг дастлабки пайтлариданоқ улардан фойдаланган. Юқорида таъкидланганидек, отлик қўшинга таянган босқинчилик юришларининг кенг кўламда олиб борилишига ўз замонаси учун етук ҳарбий



3-расм. От юганининг тузилиши.

Рис. 3. Структура конской узды.

Figure 3. The structure of the horse's bridle.



4-расм. S-шаклидаги қўш қантармали сувлук.

Рис. 4. Удила с двухсторонними s-образными псалиями.

Figure 4. The bit with double-sided s-shaped bit shanks.

тактика, қурол-аслаҳалар ва от анжомлари талаб қилинади. Кўктурқлар армияси эса бу масалада анча пешқадам бўлган.

Энди, Ўзбекистон ҳудудида топилган ва тадқиқ этилган турқлар даври сувлуқ ва қантармалари ҳақида сўз юритсадиган бўлсак, бунга ўхшаш топилмалар аввал ҳам аниқланган. Бундай анжомларнинг дастлабки намуналаридан бири Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани ҳудудида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги ҳудудида Ю. А. Заднепровский томонидан очиб ўрганилган. Бу ердан сопол идишлар билан бирга от анжомлари, хусусан, S-кўринишидаги кўш қантармали сувлуқ ва узанги ҳам аниқланган. Муаллифнинг бу кўрғонларнинг турқлар даврига оидлигини таъкидлаши эса сопол буюмларидаги турк-руний ёзувлари сабаб бўлган бўлиб, уларни VI–VIII асрга тегишли эканлигини қайд этган (Заднепровский, 1967. С. 271–274). Кейингиси, Самарқанд ҳудудидаги Улуғбек расадхонаси ва унинг атрофларини тадқиқ этиш чоғида топилган бўлиб, у келиб чиқиши туркий деб аталган майитга тегишли кўрғондан чиққан. В. И. Спришевский уни милодий VII–VIII асрлар билан даврлаштирган (Спришевский, 1951. С. 37). Айтиш мумкинки, сувлуқ ва уни юган билан боғлаб турувчи қантарма ҳамда узанги нисбатан аниқроқ даврни айтишга имкон бериб, айнан VII–VIII асрлар билан даврлаштириш мумкинлигини тасдиқлайди. Демак, ёзма манбаларда келтирилган кўктурқларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши VI аср ўрталари, ёйилишини эса VII–VIII аср бошларига тааллуқлилигини моддий манбаларда ҳам кўриш мумкин.

Топилмамаизга яқин аналог бўла оладиган узангилар Олтойдаги Қудиргэ мазор-кўрғонидан аниқланган бўлиб, муаллиф бу уларни VII–VIII асрлар оралиғи билан даврлаштирган (Гаврилова, 1965. Рис. 16). Бундан ташқари Олтойнинг бошқа кўплаб ёдгорликларида бу каби ўхшаш от анжомлари кўплаб топилиб, VII–VIII асрлар оралиғи билан саналанган (Шер, 1966). Қирғизистоннинг Чу водийси ҳудудидаги Беш Таш-Короо I мазор-кўрғонидан бир нусха, Беш Таш-Короо II мазор-кўрғонидан 2 нусха S-кўринишидаги кўш қантармали сувлуқ аниқланган ва юқоридаги каби даврлаштирилган (Табалдиев, 1996. С. 38). Мўғулистондаги бироз қайрилган, ўткир ёки текис учли қантарма ва сувлуқ тўплами Гол Мод ёдгорлигида топилган бўлиб, VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг биринчи ярми билан саналанган. Бундай топилмалар бир ҳалқали сувлуқлар билан синхрон равишда VIII асрдан кенг тарқалади. Мўғулистондаги ёдгорликлардан аниқланган 5-типдаги қантармалар VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрларда кенг тарқалганлиги таъкидланган (Серегин, 2018. С. 178).

Айтиш жоизки, турк кўшинлари томонидан юртимиз ҳудудидаги дастлабки бўйсундирилган ҳудуди Тошкент воҳаси бўлиб, унинг шимоли-шарқий қисмидаги Тангритоғнинг ғарбий тизмалари (Угом, Пском, Чотқол, Қурама) қадимдан кумуш, мис ва албатта темир конларига бой бўлган. Темирчиликда моҳир бўлган турқлар эса бу жойларни стратегик жиҳатдан муҳим эканлигини яхши тушунганлар.

Хусусан, Турк хоқонлиги даври бўйича йирик мутахассислардан бири бўлган Ғ. Бобоёровнинг сўнгги йиллардаги Тошкент воҳасининг қадимги турқлар даври нумизматикаси бўйича амалга оширган илмий тадқиқотлари натижасида Чоч воҳаси ҳудуди VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги вассали бўлган бўлса, VII асрнинг биринчи чорагида ўлка Турк тегинлари сулоласи томонидан бевосита бошқариладиган ҳудудга айланганлиги, бу даврда Чоч ҳудуди ўтроқ ва кўчманчи дунёсини боғлаб турган Ипак йўлининг муҳим нуктасига айланганлиги кенгроқ ёритиб берилди (Бобоёров, 2012). 618–630 йилларда ҳукмронлик қилган Тўн ябғу хоқоннинг Мингбулоқ воҳасига ўз қароргоҳини олиб ўтганлиги турк-суғд симбиозининг ҳал қилувчи босқичига тўғри келди. Бу давр моддий маданияти белгиларини Чоч ҳудуди ва Чорвоқ ҳавзасидаги турар жойлар, мазор-кўрғонлар ва қадимги конларни археологик жиҳатдан тадқиқ қилган Ю. Ф. Буряковнинг илмий ишлари ҳам тасдиқлайди (Буряков и др., 1973; Буряков, 1982; Древности Чарвака ..., 1976).

Нафақат Тошкент воҳаси, бутун Ўзбекистон ҳудудида сиёсий ҳукмронликни қўлга олган Турк хоқонлиги VI–VIII асрлар этномаданий жараёнларида муҳим ўрин тутган. Бу даврда

туркий кабилаларнинг Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига кириб келиши ва маълум даражада ўтроқлашуви кузатилган бўлса, сўғдий аҳолининг хоқонлик марказий қисмлари ва Шарқий Туркистонга кўчиб бориб ўрнашганлигини кузатилади.

Демак, сувлуқ катта тезликдаги отни ўз вақтида жиловлаш, уни чоптириб камондан ўк узиш ёки қилич чопишда мувозанатни сақловчи узанги каби муҳим восита бўлган (Maksud, Muradaliyev, 2020. В. 297). Мукамал жиҳозланган от эса оғир қуролланган отлик кўшиннинг (суворий, катафрактар) ғолибона юришларини кафолати бўлган.

Хулоса сифатида, юқорида кўриб чиқилган масалалар отнинг кўчманчи халқлар, хусусан кўк турклар ҳаётида катта ўрин тутганлигини кўрсатади. Уларнинг қабрларга инсон билан бирга дафн этилиши эса от култи ва отнинг эъзозланганини тасдиқлайди. S-кўринишидаги кўш қантармали сувлуқ эса Евроосиё кўчманчи халқлари томонидан ихтиро қилинган ва бошқа ҳудудларга кенг тарқалган. Тинч океанидан Қора денгиз соҳилларигача, Россиянинг дашт ҳудудларидан Амударё бўйларигача бўлган кенг ҳудудларда ҳукмронлик қилган Турк хоқонлиги нафақат сувлуқ ва қантарма, умуман, от анжомларини катта ҳудудларга тарқалишини таъминлаб берган. Албатта, Ўзбекистон ҳудуди ҳам бундан мустасно эмас. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, турклардан ўзлаштирган ҳолда, уларнинг таркибига кирган ҳудудларда уни яшаш ва такомиллаштириш ҳам олиб борилган. Айтиш мумкинки, кейинги даврда хоқонликнинг бўлиниб кетиши, ўз навбатида, от анжомларини ҳудудларда такомиллаштирилган дейишга имкон беради.

Биз тадқиқ қилаётган Чорвоқ ҳавзаси табиий жойлашувининг қулайликлари ва фойдали қазилмаларга бойлиги учун қадимги турклар қизиқиш доирасидаги муҳим стратегик ва металл хош ашёси мавжуд санокли жойлар сирасига киради. Сўнграк мазоркўргони эса хоқонлик таркибида бўлган кўчманчи ва кўнар-кўчар чорвадор аҳоли томонидан фойдаланилган ёдгорлик саналади. Бу ердан аниқланган S-кўринишидаги кўш қантармали сувлуқ эса VII–VIII асрларда Мўғулистондан Ўрта Осиёгача бўлган ҳудудларда кенг қўлланилган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:**

- Антипенко А. В.* Типология псалий I–IV вв. н. э. // Материалы по археологии, истории и этнографии Таврии. Вып. XXI. Симферополь, 2016. С. 84–109.
- Бобоёрв Ф.* Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тизими // Тарих фанлари доктори дисс. автореферати. Тошкент, 2012. 28 б.
- Буряков Ю. Ф., Касымов М. Р., Ростовцев О. М.* Археологические памятники Ташкентской области / Отв. ред. Я. Г. Гулямов. Ташкент: ФАН, 1973. 116 с.
- Буряков Ю. Ф.* Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса / Отв. ред. В. М. Массон. Ташкент: ФАН, 1982. 214 с.
- Гаврилова А. А.* Могильник Кудыргэ как источник по истории алтайских племен / Отв. ред. М. П. Грязнов. Москва, Ленинград: Наука, 1965. 144 с.
- Древности Чарвака* / Отв. ред. Р. Х. Сулейманов. Ташкент: Фан, 1976. 90 с.
- Заднепровский Ю. А.* Тюркские памятники в Фергане // Советская археология, 1967. № 1. С. 271–275.
- Мендешева В. М.* Конь в традиционной культуре алтайцев // Мировоззрение населения Южной Сибири и Центральной Азии в исторической ретроспективе / Отв. ред. П. К. Дашковский. Вып. II. Барнаул: Издательство Алтайского государственного университета, 2008. С. 250–260.
- Муродалиев Р., Мирсоатова С.* Сўнграк мазор-кўргони ва узангининг тарихдаги аҳамияти // Ўтмишга назар. 4 том, № 9. 2021. Тошкент. Б. 34–43. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-9-4>
- Неверов С. В.* Удила второй половины I тыс. н. э. Верхнего Приобья (классификация и типология) // Вопросы археологии Алтая и Западной Сибири эпохи металла / Отв. ред. А. П. Уманский. Барнаул: изд-во Барнаульского государственного педагогического института, 1992. С. 141–152.
- Потапов Л. П.* Конь в верованиях и эпосе народов Саяно-Алтая // Фольклор и этнография. Связи фольклора с древними преданиями и обрядами / Отв. ред. Б. Н. Путилов. Ленинград: Наука, 1977. С. 164–178.

- Сергеев Н. Н.* Удила и псалии из погребальных комплексов раннесредневековых тюрок Монголии // Известия АлтГУ. Исторические науки и археология, № 2 (100). Барнаул, 2018. С. 174–181.
- Спришевский В. И.* Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека / Труды музея истории УзССР, 1. Ташкент. 1951. С. 34–39.
- Табалдиев К.* Курганы средневековых кочевых племен Тянь-Шаня. Бишкек: Айбек, 1996. 256 с.
- Шер Я. А.* Каменные изваяния Семиречья / Отв.ред. А. М. Мандельштам, М.-Л.: Наука, 1966. 140 с.
- Ўзбек тилининг изохли луғати (80 000 дан ортиқ сўзлар ва сўз бирикмалари изоҳи) / А. Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 680 б.
- Babayar G.* Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of the Coins of Turkic Qaghanate. Ankara: TİKA, 2007. 244 s.
- Maksud F., Muradaliyev R.* Göktürkler ve üzeninin yayılması üzerine // Genel Türk tarihi araştırmaları dergisi. Cilt / Volume 2, Sayı / Issue 4, Temmuz / July, 2020, S. 287–302.
- Muradaliyev R., Rashidov N.* Taşkent bölgesinin dağlık arazisinde bulunan Göktürk kağanlığı'na ait Süngök mezar kurganları hakkında yapılan çalışmalar // Genel Türk tarihi araştırmaları dergisi. Cilt / Volume 4, Sayı/Issue 8, Temmuz / July 2022, S. 953–970. <https://doi.org/10.53718/gttad.1105353>

## REFERENCES

- Antipenko A. V.* 2016. *Tipologiya psalij I-IV vv. n. è. (Typology of cheek-pieces of the 1<sup>st</sup>-4<sup>th</sup> centuries)* // Materialy po arheologii, istorii i ètnografii Tavrii (Materials on archeology, history and ethnography of Tavria). Issue XXI. Simferopol', Publ., 84–109 (in Russian).
- Boboyorov G'.* 2012. *G'arbij Turk xoqonligining davlat tizimi (The state system of the Western Turkic Khaganate)* // Tarixh fanlari doktori diss. avtoreferati. Toškent, Publ., 28 (in Uzbek).
- Burâkov Ū. F., Kasymov M. R., Rostovcev O. M.* 1973. In Gulyamov Ya. G. (ed.). *Arheologičeskie pamâtniki Taškentskoj oblasti (Archaeological monuments of Tashkent region)*. Taškent: FAN, Publ., 116 (in Russian).
- Burâkov Ū. F.* 1982. In Masson V. M. (ed.). *Genezis i ètapy razvitiâ gorodskoj kul'tury Taškentskogo oazisa (Genesis and stages of development of the urban culture of the Tashkent oasis)*. Taškent: FAN, Publ., 214 (in Russian).
- Gavrilova A. A.* 1965. *Mogil'nik Kudyrge kak istočnik po istorii altajskih plemen (Burial ground Kudyrge as a source on the history of the Altai tribes)* / Otv.red. M. P. Grâznov. Moskva, Leningrad: Nauka, Publ., 144 (in Russian).
- Drevnosti Čarvaka (Antiquities of Charvak)*. 1976. In Suleymanov R. H. (ed.). Taškent: FAN, Publ., 90 (in Russian).
- Zadneprovskij Ū. A.* 1967. *Türkские pamâtniki v Fergane (Turkic monuments in Fergana)* // Sovetskaâ arheologiya (Soviet archeology), № 1. Moscow, 271–275 (in Russian).
- Mendeševa V. M.* 2008. In P. K. Daškovskij (ed.). *Kon' v tradicionnoj kul'ture altajcev (The horse in the traditional culture of the Altaians)* // Mirovozzrenie naseleniâ Ūžnoj Sibiri i Central'noj Azii v istoričeskoj retrospektive (Worldview of the population of South Siberia and Central Asia in a historical retrospective). Issue II. Barnaul: Altajskiy gosudarstvenniy universitet, Publ., 250–260 (in Russian).
- Murodaliev R., Mirsoatova S.* 2021. *So'ngak mozor-qo'rg'onlari va uzangining tarixdagi ahamiâti (The find from the Sungak burial and the significance of the stirrups in history)* // O'tmišga nazar (Look to the past). Vol. 4. № 9. Toškent, 34–43. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-9-4> (in Uzbek).
- Neverov S. V.* 1992. In A. P. Umanskij (ed.). *Udila vtoroj poloviny I tys.n.è. Verhnego Priob'â (klassifikaciâ i tipologiya) (The bit of the second half of the 1st millennium AD. Upper Ob region (classification and typology))* // Voprosy arheologii Altaâ i Zapadnoj Sibiri èpohi metalla (Problems of archeology of Altai and Western Siberia of the metal epoch). Barnaul: Barnaul gsudarstvenniy pedagogičeskij institut, Publ., 141–152 (in Russian).
- Potapov L. P.* 1977. In B. N. Putilov (ed.). *Kon' v verovaniâh i èpose narodov Saâno-Altaâ (The horse in the beliefs and epic of the peoples of the Sayano-Altai)* // Fol'klor i ètnografiâ. Svâzi fol'klora s drevnimi predaniâmi i obrâdami (Folklore and Ethnography. Connections of folklore with ancient traditions and rituals). Leningrad: Nauka, Publ., 164–178 (in Russian).

- Seregin N. N. 2018. *Udila i psalii iz pogrebal'nyh kompleksov rannesrednevekovyh túrok Mongolii (Bit and cheek-pieces from the burial complexes of the early medieval Turks of Mongolia)* // *Izvestiâ AltGU. Istoricheskie nauki i arheologiâ arxeologiya (Izvestiya AltSU. Historical sciences and archeology)*, №2 (100). Barnaul, 174–181 (in Russian).
- Spriševskij V. I. 1951. *Pogrebenie s konem serediny I tysâčelețiâ n.è. obnaružennoe okolo observatorii Ulugbeka (Burial with a horse from the middle of the 1st millennium AD. discovered near the observatory of Ulugbek)* / *Trudy muzeâ istorii UzSSR (Proceedings of the Museum of the History of the Uzbek SSR)*, 1. Taškent, 34–39 (in Russian).
- Tabaldiev K. 1996. *Kurgany srednevekovyh kočevykh plemen Tân'-Šanâ (Burial mounds of the medieval nomadic tribes of the Tien Shan)*. Biškek: Ajbek Publ., 256 (in Russian).
- Šer Â. A. 1966. In Mandel'shtam A. M. (ed.). *Kamennye izvaâniâ Semireč'â (Stone statues of Semirechye)*, Moscow-Leningrad: Nauka, Publ., 140 (In Russian).
- O'zbek tilining izohli lug'ati (80 000 dan ortiq so'zlar va so'z birikmalari izohi) (Annotated dictionary of the Uzbek language (more than 80,000 words and phrases))*. 2008. A. Madvaliev tahriri ostida. Toškent: O'zbekiston Millij ênciklopediâsi, Davlat ilmiy naşriyoti, Publ., 680 (in Uzbek).
- Babayar G. 2007. *Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu (The Catalogue of the Coins of Turkic Qaghanate)*. Ankara: TİKA, Publ., 244 (in Turkish).
- Maksud F., Muradaliyev R. 2020. *Göktürkler ve üzeninin yayılması üzerine (On the Göktürks and the spread of the stirrup)* // *Genel Türk tarihi araştırmaları dergisi (Journal of General Turkish History Studies)*. Cilt / Volume 2. Sayı / Issue 4. Temmuz, Publ., 287–302 (in Turkish).
- Muradaliyev R., Rashidov N. 2022. *Taşkent bölgesinin dağlık arazisinde bulunan Göktürk kağanlığı'na ait Süngök mezar kurganları hakkında yapılan çalışmalar (About the study of Sungak burials of the Turkic khaganate in the mountainous territory of the Tashkent region)* // *Genel Türk tarihi araştırmaları dergisi (Journal of General Turkish History Studies)*. Cilt / Volume 4, Sayı/Issue 8, Temmuz, Publ., 953–970. <https://doi.org/10.53718/gttad.1105353> (in Turkish).

---

## ABOUT THE BIT WITH S-SHAPED CHECKPIECES FROM THE SUNGAK BURIAL GROUND

© 2022. Murodaliyev Rakhmonali

*National Center of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

---

**Key words:** Sungak burial ground, bit, bit shanks, horse equipment, cult, Chach, Charvak, Altai.

The article in detail describes the bit with two-sided bit shanks, identified in the Sungak burial ground, and highlights the formation and evolution of the bits and bit shanks. As the primary means of horse control, these devices were popularized during the early nomadic period and improved along with the development of metalwork. The bits were often as important as war chariots and saddles. A rider armed with one was more likely to keep his balance in combat. This ensured that the rider on the horse could duly control the horse. By the time of the Turkic Khaganate, iron horse equipment had developed as an important branch of manufacturing for the Turks, who were skilled in blacksmithing. Nomadic and semi-nomadic peoples lived side by side in the mountainous areas of Chach, strategically important to the Khaganate. In the middle of the 1st millennium A.D., along with increasing urbanization, the area saw the resettlement of nomadic peoples in the mountains and partial sedentarization. The discovery of such horse equipment in the mountainous regions of Chach makes it possible to shed light on the activities of the Turkic Khaganate, whose army was based on cavalry.